



Ўзбекистонда машинасозлик саноати (1941-1945 йиллар)

АндУ Ўзбекистон тарихи кафедраси магистранти
Хақимжоновна Хилола Парвозбек қизи

Илмий раҳбар АндУ Ўзбекистон тарихи кафедраси в/б доценти
Хасанов Жасурбек Маматқодирович

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонга эвакуация қилинган машинасозлик саноатини иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий изга солиниши ва фронт ортидаги фаолияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: машинасозлик саноати, халқ хўжалиги, корхона, иккинчи жаҳон уруши

МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ — халқ хўжалиги учун меҳнат қуроллари, шунингдек, истеъмол буюмлари ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи оғир саноат соҳалари мажмуи ҳисобланади. Машинасозлик саноати бутун халқ хўжалигини техника билан таъминлашда моддий асос ҳисобланади, ижтимоий меҳнат унумдорлиги, техника прогресси, халқнинг моддий фаровонлиги ва мамлакатнинг мудофаа қуввати машинасозлик саноатининг тараққиёт даражасига боғлиқ. Машинасозлик саноатининг асосий вазифаси халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини юқори унум билан ишлайдиган машина ва асбоб-ускуналар билан таъминлашдир. Бу соҳа ўз навбатида, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, металл буюмлар, металл конструкциялар ишлаб чиқариш, ҳамда машина ва асбоб-ускуналарни тузатиш тармоқларининг таркибий қисмини ташкил этади. Машинасозлик саноатига энергетика машинасозлиги, электротехника, станоксозлик ва асбобсозлик, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги каби йирик тармоқлар киради.

Ўзбекистонда ҳам машинасозлик саноати ўз ўрнига эга. Ўзбекистонда Машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари XX аср бошларида вужудга келган. Ушбу давр юртимизда Россия империяси ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Кейинчалик эса собиқ иттифоқ ҳокимияти даврида машинасозликнинг янги соҳалари юртимизга кириб келди. Ўтган асрнинг энг мудҳиш воқеаси ҳисобланмиш иккинчи



жаҳон уруши йилларида эса Ўзбекистонда машинасозлик саноати ҳарбий изга солинди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг, амалга оширилиши муҳим бўлган вазифалардан бири иқтисодий ҳарбий изга туширишдан иборат бўлиб, бу жараёнда бутун собиқ Совет Иттифоқи миқёсида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини фронт эҳтиёжларига мувофиқ қайта тақсимлаш, ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва одатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қисқартириш, умуман ишлаб чиқаришни Ғарбдан Шарққа, яъни фронтга яқин ҳудудлардан хавфсиз жойларга (чекка ҳудудларга) кўчириш, унинг мамлакат ичкарисидаги районларда фаолият юритишини тезлик билан таъминлаш керак эди.

Шундай экан, Ўзбекистон машинасозлиги тараққиётида Иккинчи жаҳон уруши даври алоҳида ўрин тутишини қайд этиш мумкин. Бу даврда республика машинасозлигининг ривожланиш суръатлари, даражаси, таркиби ҳамда ихтисослашувида қатор ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини собиқ Иттифок ҳудудидаги турли саноат тармоқларининг республикага эвакуация қилинишида ва уларнинг ҳарбий изга солинишида ҳам кўриш мумкин, яъни уруш йилларида Ўзбекистон фронтдаги жангчиларни узлуксиз равишда қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа керакли маҳсулотлар билан таъминлайдиган марказга айланган эди.

Фронт яқинидаги ҳудудлардан кўчирилаётган аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлари ва бошқаларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга юборилди. Келтирилган корхоналарни қабул қилиш ва жойлаштириш ҳамда бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1941 йил 25 августда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитасининг биринчи котиби У.Юсупов раҳбарлигида махсус комиссия тузилди.³

1941 йил июлдан 1941 йил ноябрга қадар Шарқий ҳудудларга 1360 та йирик ҳарбий корхона, шундан, Ўзбекистонга 104 та завод ва фабрикалар эвакуация қилинди. Жумладан, Тошкентга Москвадан Чкалов номли авиасозлик заводи,

³ Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). –Тошкент, 2002. –Б. 136



“Электрокабель”, “Подъёмник”, “Красный путь” заводлари, Ростовдан “Россельмаш” заводи ва бошқалар кўчириб келинган. 1941 йилга келиб Тошкентдаги кўчириб келинган 63 та корхона ва республиканинг бошқа ҳудудларидаги 230 та корхона маҳсулот бера бошлади. Шунингдек, уруш йилларида Ўзбекистонда 280 та янги корхоналар барпо этилиб, ишга туширилди.⁴

Шу ўринда қайд этиш керакки, урушнинг дастлабки босқичида собиқ Иттифок саноатига жиддий зарар етган эди. Жумладан, 1941 йилнинг ноябрига бориб 1941 йил июнь ойига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробарга камайди. Шу муносабат билан, ҳарбий саноатни жонлантиришда СССРнинг Шарқий ҳудудларига, хусусан, Ўзбекистонга катта эътибор қаратилди.⁵

Ҳарбий соҳа тарихчиларининг маълумотига кўра, 1941 йилнинг 2-ярмига келганда собиқ Иттифокнинг фронт яқинидаги ҳудудларидан мамлакат ичкарасига 10 млн. нафарга яқин тинч аҳоли ва тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 1523 та саноат корхоналари, бир сўз билан айтганда, бутун бир индустриал база эвакуация қилиниб, жойлаштирилган эди.⁶

1942 йилдан “Тошкент трактор заводи”да пахта териш ва чопиқ ишлари учун мўлжалланган машиналар ишлаб чиқарила бошланди. У пахта териш машиналари ва уларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Мазкур завод Иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Иттифокнинг ғарбий ўлкаларидан эвакуация қилинган корхоналар кўчириб келтирилиши натижасида вужудга келган бўлиб, 1960 йилнинг ўрталарига қадар корхона “Ташавтомаш” номи билан фаолият юритган.⁷

1941-1945 йиллардаги уруш даврида республикада 16 машинасозлик заводи ишга туширилди. Саноатнинг тармоқ таркиби ўзгарди. Уруш даврида ишга туширилган машинасозлик корхоналари фронт эҳтиёжлари учун қурол-яроғ, ўқдори ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарди. 1945 йилдан кейин пахтачилик ва ирригация

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ. –Б. 440-445.

⁵ Бабаджанов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих фан. Бўйича фан док. дисс. автореферати. –Тошкент, 2018. –Б. 14.

⁶ Жилин П.А. О войне и военной истории. –М., 1984. –С. 312.

⁷ Комилов А., Шарипов Қ., Умиров Н., Юсупов З. Трактор ва автомобиллар. 1-қисм. –Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. –Б. 10.



қурилиши машиналари ишлаб чиқариш тикланди, тўқимачилик, кимё ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун янги жиҳозлар ишлаб чиқариш бошланди. Пахта териш машиналари, экскаваторлар, кўприк электр кранлари, йигириш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, корхоналарнинг ихтисослашуви ва кооперацияси ривожланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда машинасозлик саноати ҳарбий изга солиниб, собиқ Иттифок манфаатларига бўйсундирилган эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жилин П.А. О войне и военной истории. –М., 1984. –С. 312.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Тошкент: Шарқ, 2000 –Б. 440-445.
3. Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). –Тошкент, 2002. –Б. 136.
4. Комилов А., Шарипов Қ., Умиров Н., Юсупов З. Трактор ва автомобиллар. 1-қисм. –Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. –Б. 10.
5. Бабаджанов Х. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих фан. Бўйича фан док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. –Б. 14.